

ДАВЛАТ УЛУШИ МАВЖУД АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА
КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

Элмирзаев Самариддин Эшқуватович -
ТМИ, кафедра мудири иқтисод фанлари доктори
Маматов Бахромжон Шавкат ўғли –
ДБА, таянч докторанти

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлатнинг иштироки ҳолати, давлат иштирокидаги ва хусусий акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув, давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари сони йиллар кесимида таҳлил қилинган ҳамда улар асосида илмий асосланган хулосалар берилган.

Калит сўзлар: акциядорлик, акциядорлик жамияти, давлат, устав капитали, давлат улуши, хусусий акциядорлик жамияти, бошқарув органи, давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари.

Аннотация. В статье проанализировано состояние государственного участия в корпоративном управлении акционерного общества, средняя величина уставного капитала частных акционерных обществ и обществ с участием государства, количество акционерных обществ с государственным участием, а также на их основе приведены научно обоснованные выводы.

Ключовы слова; акция, акционерное общество, государство, уставный капитал, государственная доля, частное акционерное общество, орган хозяйственного управления, акционерные общества с государственным участием.

Abstract. In this article it is analysed the conditions of state's participation in joint stock companies, average amount of private and state owned companies across regions of country, and based on them given proposals toward improving joint stock companies as well.

Key words; stock, joint stock companies, state, charter capital, state's share, private joint stock companies, state owned joint stock companies.

Кириш. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашув даражаси кескин қисқариб боришига қарамасдан, бутунлай барҳам топмайди. Яъни бозор иқтисодиёти юқори даражада ривожланган мамлакатларда ҳам иқтисодиётнинг маълум бир соҳа ва тармоқларида давлат ўз улушини сақлаб қолганлигига бугунги кунда ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз. Умумий олганда корпоратив бошқарув моделлари хусусиятлари, мамлакатларнинг ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётда давлат улуши даражаси хорижий давлатларда турлича эканлигини ҳам шу ўринда қайд этиб ўтиш лозим. Ҳар бир давлатнинг корпоратив тузилмаларда улуши даражаси кўп жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсир кўрсатиш зарурати билан ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Бунда албатта маълум бир мақсадлар белгилаб олинади. Давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув амалиёти хусусий корпоратив тузилмалардаги корпоратив бошқарув амалиётидан маълум бир хусусиятларига кўра фарқ қилади. Юқоридагилар асосида қуйида давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув хусусиятлари, давлатнинг корпоратив бошқарувдаги иштирокидан асосий мақсади ва вазифалари, олтин акция амалиётининг қўлланиш тартиби, мамлака-

тимиздаги акциядорлик жамиятлари фаолиятида давлат иштироки таҳлилини кўриб чиқамиз.

Илмий адабиётлар шарҳи. Давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тўғрисида илмий изланишлар олиб борган иқтисодчи олимлар кўпроқ хусусийлаштириш тарафдори бўлган, Savas хусусийлаштиришнинг турли хил усулларида тўғри фойдаланишни намойиш этувчи хусусийлаштириш назарияси ва амалиётини ва хизматларни алтернатив равишда тақдим этиш механизмларини тавсифлайди[2].

Эллот Слар маҳаллий бошқарув тажрибасидан фойдаланган ҳолда хусусийлаштириш учун стандарт бозор таклифларини танқид қилади. Унинг таъкидлашича, хусусийлаштириш тарафдорлари эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишлари керак деб таъкидлашади.

1970 йилда Маргарет Тэтчер томонидан илгари сурилган хусусийлаштириш бозор рақобати иқтисодий самарадорликни оширади, истеъмолчиларнинг овози сифатини яхшилайди ва шаҳар хизматлари интеграциясини оширади[3].

Маҳаллий олимларимиздан Ж. Қурбонов мамлакатимиздаги ҳар бир акциядорлик жамиятининг инвестицион жозибадорлиги юқори даражада бўлиши ва исталган вақтда

хорижий инвестицияларни жалб қила оладиган даражага чиқишида хорижий инвесторларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтган.

Асосий қисм. Давлатнинг корпоратив тузилмалар фаолиятидаги иштирокини куйидаги иккита йўналиш асосида кўзга ташланади:

Биринчидан, корпоратив бошқарув амалиёти бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади ва корпоратив тузилмаларнинг фаолияти давомида қонунчиликда белгилаб қўйилган талабларнинг бажарилиши ҳолатини назорат қилиб боради. Мазкур жиҳат барча мамлакатлар тажрибасида қўлланилади.

Иккинчидан, давлат корпоратив бошқарув амалиётида бевосита иштирок этади ва акциядорлик жамиятлари фаолиятига доир қарорлар қабул қилишга ўз таъсирини кўрсатади. Бунда давлат устав капиталидаги маълум бир улушга эгалик қилиш орқали мулкдор сифатида иштироки кун тартибига чиқади.

Умуман давлатнинг корпоратив бошқарувда бевосита иштироки куйидагилар асосида амалга оширилади:

- акциядорлик жамияти овоз берувчи акцияларига тўлиқ эгалик қилиш. Шунингдек

фақат давлат томонидан устав капиталини тўлиқ шакллантириш амалиёти асосида ҳам давлатнинг корпоратив бошқарувдаги иштироки кузатилади. Бунда давлат акциядорлик жамиятида ягона акциядор сифатида фаолият юритади ва якка тартибда қарорлар қабул қилади. Мазкур амалиёт мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларида ҳам кузатилади;

- акциядорлик жамиятлари акциялар назорат пакетига эгалик қилиш. Мазкур ҳолатда давлат йирик акциядор сифатида майдонга чиқади ва биринчи навбатда давлат манфаатларини кўзлаб фаолият юритади. Яъни бошқа акциядорларнинг қарорлар қабул қилишга таъсири нисбатан паст бўлади;

- акциядорлик жамияти устав капиталида маълум бир улушга эгалик қилиш. Бунда давлат ўз эгалигидаги акцияларнинг устав капиталидаги улушига мос тарзда овоз бериш орқали корпоратив бошқарувда иштирок этади. Агарда акциялар улуши асосида кузатув кенгаши ёки тафтиш комиссияси аъзоларини кўрсатиш ваколатига эга бўлса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кузатув кенгашига ёки тафтиш комиссиясига ўз номзодларини тақдим этади ва кумулятив овоз беришда иштирок этади;

1-жадвал

Давлатнинг корпоратив бошқарувдаги иштироки афзалликлари ва камчиликлари

Афзалликлари	Камчиликлари
<ol style="list-style-type: none"> 1. Стратегик аҳамиятга эга иқтисодий соҳа ва тармоқларида самарали давлат назорати ўрнатилади; 2. Стратегик муҳим тармоқларнинг ривожланиши учун шарт-шароит яратилади; 3. Иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга оширади; 4. Йирик акциядорлик жамиятлари банкротлигининг олди олинади ва тугатилишига йўл қўйилмайди; 5. Давлат бюджети солиқлардан бошқа даромадларига эга бўлади; 6. Монополия тартибга солиб турилади ва нархлар барқарорлиги таъминланади; 7. Профессional бошқарув амалга оширилади ва бошқалар. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Давлатнинг ҳаддан ташқари кўп аралашуви корпоратив тузилманинг мустақиллигини чегаралайди; 2. Олтин акция асосида вето қўйиш ҳуқуқининг берилиши қарорлар қабул қилишнинг ортга сурилишига олиб келади; 3. Вето қўйиш ҳуқуқи давлат вакили томонидан қарор қабул қилиш аралаштириб юбориш ҳолатлари учрайди; 4. Акциядорлик жамиятларига инвесторларнинг қизиқишлари нисбатан паст бўлади; 5. Хусусий мулкдорлар синфининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади; 6. Бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари чегараланишига олиб келади; 7. Дивиденд амалиётлари деярли кузатилмайди ва бошқалар.

Манба: Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган

Давлатнинг корпоратив бошқарувдаги иштироки стратегик аҳамиятга эга иқтисодий соҳа ва тармоқларида самарали давлат назорати ўрнатиш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун муҳим тармоқларнинг ривожлантириш имконини беради. Иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали давлат аҳоли турмуш фаровонли-

гини оширишга интилади. Келтирилаётган бу жиҳатларга эришиш учун эса мамлакатда йирик акциядорлик жамиятлари фаолият юритиши муҳим ҳисобланади. Чунки йирик акциядорлик жамиятлари фаолияти аҳоли бандлиги ва даромадлиги таъминланишида, давлат бюджети даромадларининг асосий қисми шаклланишида, кескин халқаро рақо-

бат шароитида мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда ва ҳокозоларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боисдан йирик акциядорлик жамиятлари фаолиятида, корпоратив бошқарувида давлатнинг иштироки молиявий-иқтисодий инқироз ҳолатларида улар банкротлигининг олдини олади ва тугатилишига йўл қўйилмайди. Бунга мисол сифатида 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида Америка қўшма штатларида миллий автоконцернларни қўллаб-қувватлаш мақсадида устав капиталига давлат улушини киритиш амалити қўлланилганлигини келтиришимиз мумкин. Дунёдаги энг ривожланган давлат ҳисобланган Америка қўшма штатларида бундай амалиётнинг қўлланилишини мамлакатнинг экспорт салоҳиятини сақлаб қолиш, ташқи ишлаб чиқарувчиларнинг америка бозорини эгаллашларига йўл қўймаслик, мамлакатда ишсизлик даражасининг ошиб кетишига йўл қўймаслик, давлат бюджети даромадлари қисқаришининг олди олиш кабиларга қаратилган чора-тадбир сифатида баҳолашимиз мумкин. Шу ўринда йирик акциядорлик жамиятлари томонидан тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар давлат бюджети даромадларининг 90 фоиздан ортиғини ташкил этишини ҳам қайд этиш лозим. Бунда давлат иштироки йирик акциядорлик жамиятлари томонидан тўланадиган дивидендларнинг ҳам бир қисмига эгаллик қилиш орқали давлат бюджетининг солиқлардан бошқа даромадларини оширишга имкон беради. Юқоридагиларга қўшимча равишда табиий монополияларни тартибга солиш орқали давлат нарх барқарорлигини таъминлаши ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этишини ҳам қайд этиш зарур.

Ўз навбатида бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг корпоратив бошқарувдаги фаол иштироки маълум бир муаммоли ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, давлатнинг корпоратив тузилмалар фаолиятига ҳаддан ташқари кўп аралашуви тадбиркорлик субъекти сифатида корпоратив тузилманинг мустақиллигини чегаралайди. Бунда олтин акция асосида вето қўйиш ҳуқуқининг берилиши қарорлар қабул қилишнинг ортга сурилишига олиб келади ва бу ўз навбатида тезкор молиявий қарорлар қабул қилиш шарт бўлиб турган бир вақтда корпоратив тузилма фаолият самарадорлиги пасайишига олиб келади. Шунингдек кузатув кенгаши мажлисла-

ри ва акциядорлар умумий йиғилишлари маълум бир қарорларига вето қўйиш ҳуқуқи давлат вакили томонидан тўғридан-тўғри қарор қабул қилиш билан чалкаштириб юборилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бу масалалар ўз навбатида давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларига инвесторлар қизиқишларини кескин пасайтиради. Бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари чегараланиши натижасида норозилик ҳолатлари ва корпоратив низолар юзага келади. Қўшимча равишда хусусий мулкдорлар синфининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Акциядорлик жамиятлари томонидан эришилган фойданинг янги лойиҳаларга мунтазам йўналтирилиши туфайли дивиденд амалиётлари деярли кузатилмайди.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган давлатнинг корпоратив тузилмалар фаолиятидаги иштирокини оптималлаштириш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижроси хорижий инвесторлар қизиқиши ортишига ҳам олиб келади.

Акциядорлик жамиятларида давлатнинг иштироки биринчи навбатда давлатнинг ёки давлат хўжалик бошқаруви орган (хўжалик бирлашма)ларининг акциядорлик жамиятлари устав капиталидаги иштироки билан белгиланади. Устав капиталида давлатнинг иштироки мавжуд акциядорлик жамиятлари қуйидагича гуруҳланади:

- устав капитали тўлиқ давлат мулки ҳисобига шакллантирилган акциядорлик жамиятлари;
- устав капиталида давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари;
- устав капитали хўжалик бирлашмалари (давлат хўжалик бошқарув органлари) мулки ҳисобига шаклланган акциядорлик жамиятлари;
- устав капиталида хўжалик бирлашмалари улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари;
- устав капиталида давлат ва хўжалик бирлашмалари улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари.

Устав капитали тўлиқ давлат мулки ҳисобига шакллантирилган акциядорлик жамиятлари давлат ягона акциядор бўлган акциядорлик жамиятлари ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, бундай акциядорлик жамиятлари мамлакатимизда мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 октябрдаги ПҚ-2635-сонли “Давлат улуши устувор бўлган акциядорлик

жамиятларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан оддий акциялари 100 фоизга давлатга тегишли бўлган стратегик аҳамиятга эга акциядорлик жамиятлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

1. «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси;
2. «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти;
3. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти;
4. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» акциядорлик жамияти

5. «Ўзбектелеком» акциядорлик жамияти;
6. «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти;
7. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти;
8. Акциядорлик тижорат банк «Халқ банки».

Бунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси қайта ташкил этиш йўли билан акциядорлик жамиятига айлантирилиши белгиланган.



1-расм. Акциядорлик жамиятларида давлат иштироки ҳолати, 2018 йил 31 декабрь ҳолатига[4]

2018 йил 31 декабрь ҳолатига мамлакатимизда 603 та акциядорлик жамияти мавжуд бўлиб, унда давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари – 173 та; хўжалик бирлашмалари улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари – 279 та; давлат ва хўжалик бирлашмалари улуши мавжуд бўлмаган акциядорлик жамиятлари эса 151 тани ташкил этган (2-расм). Айнан шу санада республика бўйича умумий акциядорлик капитали 59,43 триллион сўмни ташкил этган ҳолда унинг 47,72 триллион сўмлик қисми, яъни 79,9 фоизи давлатга тегишлидир. Умумий ҳолда акциядорлик жамиятларининг 78 фоизида давлат ва (ёки) давлат холдинг компаниялари (хўжалик бирлашмалари) улуши мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида акциядорлик капиталидаги давлат улушининг ўсиб бориши таҳлил қилинганда, давлат улушининг ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан 2016 йилда давлат улуши 2015 йилга нисбатан 221.5% ўсган ва жами акция-

дорлик капиталининг 71.66 %ни ташкил қилган.

Ҳар бир мамлакатда юқорида келтирилган камчиликлардан келиб чиққан ҳолда ҳамда хусусий секторни кенг ривожлантириш мақсадида давлатнинг корпоратив бошқарувдаги иштирокини камайтиришга ҳаракат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш” масаласи иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг 3.4-устувор йўналиш сифатида белгиланди. Унда қуйидаги тизимли йўналишларга ҳам жиддий эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди”[1].



2-расм. Акциядорлик жамиятларида давлат иштироки ҳолати, йиллар кесимида [4]

Хулоса

- давлат мулкни хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

- корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхона-

ларни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш. Умуман олганда акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат улушини оптимлаштириш, хусусийлаштириш жараёнини самарали ташкил этиш мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлиги ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишни таъминлашда муҳим хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. 2017-йил 7-феврал, Тошкент.
2. Sclar, Elliot, 2000. Вы не всегда получаете то, за что платите: экономика приватизации. Ithaca, Нью-Йорк: Издательство Корнелльского университета.
3. Warner, ME 2012. «Приватизация и управление городским хозяйством: постоянные проблемы эффективности, голоса и интеграции», Cities, 29 (Приложение 2) s38-s43.
4. www.deponet.uz – Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси расмий вебсайти.